



Ёшлар кун муносабати билан жорий йилда Тошкент Ботаника боғида «Учинчи Ренессанс бунёдкорлари» шиори остида Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форуми ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 30 июнь кун Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумига ташриф бурди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 июндаги фармони мувофиқ, ўзининг ижодий ва интеллектуал салоҳияти, танлаган касб йўналиши ва ижтимоий ҳаётда эришган муҳим натижалари билан турли соҳаларда юртимиз равнақига, унинг халқаро обрў-этиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тенгдошларига ўрнак ва намуна бўлиб келаётган фаол ёшлар ордени ва медаллар билан мукофотланган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу мукофотларни ўз эгаларига тантанали равишда топширди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 июндаги «Ёшлар кун муносабати билан юртимизнинг фаол ва ташаббускор ёш вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони кўра, 30 кун пойтахтимиздаги Адиллар хиёбонида мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.

Қозғоғистон ИИБ ва Ўзбекистон Миллий гвардияси ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув имзолади.

Хукумат қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланди.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 6-йиғилиши ўтказилди.

2021 йил 1 июль кун Тошкент шаҳрида «Европа иттифоқи – Марказий Осиё» сиёсат ва ҳавфсизлик масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистонга 30 июнь кун яна 1 миллион доза «ZF-UZ-VAC2001» вакцинаси олиб келингани ҳақида хабар берди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикасида Дурбан декларацияси ва Ҳаракатлар дастурини амалга ошириш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Бугунги кунда кўпмиллатли халқимиз, Ватанимиз тараққийти учун, Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу йўлда улкан орзу-умидлар, катта режалар билан сафимизга қўшилаётган ёшларимиз – асосий таянчимиз ва сунъимиздир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



ОДАМЛАР НИМАЛАР ДЕЙИШМОҚДА?



Миллат келажига дахлдор барча давлат идоралари диққатига!

КАМАЛАК РАНГДАГИ ЎЙИНЧОҚЛАР НИМАДАН ДАРАК?!

Аслида бу мавзу ҳақида умуман гапиргим, ёзгим келмайди. Аммо илондек ўрмалаб, бутун дунёга ёйилишга уринаётган жирканч иллат хусусида огоҳ бўлиш нуқтаи назаридан айрим ҳолатларни қайд этиб ўтмоқчиман.

Охириги вақтларда Европада, АҚШда, умуман, ғарб давлатларида ЛГБТни кенг тарғиб қилиш, одамлар онгига синдириш, ўзга мамлакатларга «экспорт» қилишга уринишлар кучайиб борапти. Шундоқ ҳам демографик муаммолар қаршида турган «кўҳна қитъа»нинг бу йўлни танлагани, уни оммалаштиришга зўр бераётгани ақлдан озишдан бошқа нарса эмас.

Лекин танланган тарғибот усули жуда пухта ва айёронга ўйланган. Масалан, миллионлар назаридаги футболдан восита сифатида фойдаланилмоқда. Европадаги айрим стадионларда ЛГБТ байроқлари қўлланилганини кўпчилик кўрган. Ҳозир клублар бу жараёнга ҳисса қўлишига фаол уринаётгани ачинарли. Мисол учун, «Барселона», «Челси», «Ювентус» интернетда камалак фонидagi логотипини эълон қилиб, ЛГБТни қўллаб-қувватлабди. Дунёда бу клубларни кузатмайдиган одам кам дейсизми... Улар бунни яхши билади.

Эндиликда камалак рангдаги болалар ўйинчоқлари кўпаяётганига нима дейсиз? Бу улар онгига ҳозирданок шу иллат ғояларини синдириш мақсадида қилинаётгани аниқ. Аввалига кўз ўргатилади, кейин ушбу гирдобга бутунлай тортилади... Бир танишимнинг айтишича, АҚШда аксарият маҳсулотлар шу рангларда чиқарилаётган экан.

Ҳаммамиз огоҳ бўлишимиз лозим. Бу оддий ҳавф эмас. Миллат эртаси, келажига қаратилган таҳдиддир. Савдогар акаларимиз, опаларимиздан ҳам, айниқса, болалар ўйинчоқлари савдоси билан шуғулланган тадбиркорларимиздан бу ҳолатга этиборлироқ бўлишларини сўраган бўлардик. ЛГБТни тарғиб қилиш учун камалак рангда чиқарилган маҳсулотларни билиб-билмай олиб келиб қўйманг, илтимос. Ҳаммамиз биргаликда курашсак, унинг қадриятларимизни топташига йўл қўймаймиз.

@platformauzb



Абдумалик Валиевнинг «Facebook»даги саҳифасидан



Келгуси сонларда ўқинг...

Бахт ҳақида баллада

Унутилмас қўшиқ

Ойдин орзулар оғушида

Ўзбекистон касба уюшмалари федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган 12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Келгуси сонларда ўқинг...

ПРЕЗИДЕНТГА МАҚТУБЛАР: «БИЗ ҲАЁТДАН РОЗИМИЗ!»



Қонунчиликда қандай ўзгаришлар бўлади?


электрон тизими орқали қабул қилинади.




1. Пенсия ва нафақалар оширилади.




2. Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган боғчаларга субсидиялар тўланади.




3. Давлат органларида хизмат автотранспортлари давлат рақами белгиларининг янги типини жорий этилади.



4. Онкологик ва гематологик беморларнинг виллоятлардан республика ихтисослаштирилган марказларига келиш харажатлари қоплаб берилади.



5. Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан келган меҳмонларни қутиб олиш харажатлари Очқик маълумотлар порталига жойлаштирилиб берилади.



6. Нодавлат таълим ташкилотлари давлат томонидан қўллаб-қувватланади.




7. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатлари «Е-қароғ»

8. Паррандачиларга субсидия ва солиқ имтиёзлари берилади.




9. 24 та туман (шаҳар) курилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади.



10. Бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини берувчи ордер бериш тизими жорий этилади.




11. Ифлослантирувчи моддаларни атрофмуҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш учун компенсация тўловлари миқдори кўпайтирилади.



12. Божхона назоратини олиб боришда янги тартиблар жорий этилади.



13. ЖШШИР шахсни тасдиқловчи ягона идентификатор деб ҳисобланиши белгиланди.



14. Маҳкумларни сақлаш ҳолати устидан назорат олиб бориш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилади.

ШУНИНГДЕК:

- Хар бир кўп квартирали ўй-жой учун мажбурий бадалларнинг ёки тўловларнинг алоҳида ҳисоби юритилиши шарт.
- Иш стажини 5 йил бўлмаган олий маълумотли тиббиёт ходимларини нодавлат тиббиёт ташкилотларига ишга қабул қилиш билан боғлиқ талаблар давлат тиббиёт муассасаларига тенглаштирилади.
- Давлат органларида таълим ташкилотлари ўқитувчиларини шартнома асосида жалб қилиб, ҳафтада камида бир маротаба ходимларни хорижий тилга ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади.
- Давлат пенсияларини тайинлашда фуқаролардан меҳнат стажини, иш ҳақи, ОТМдаги ўқий ҳамада ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатларини талаб қилиш бекор қилинади. Давлат пенсияларини тайинлаш ЯММТ ИДАКга киритилган электрон маълумотлар асосида амалга оширилади.
- Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратилган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдори 10 фоиздан 30 фоизга оширилади.
- Янги куриладиган савдо майдонини 15 минг квадрат метрдан ортқ савдо-кўнгилочар комплексларида жами ўриндиқлар сони 300 тадан ва кинозаллари сони 4 тадан кам бўлмаган кинотеатр ташкил этиш мажбурий ҳисобланади.
- Ўрта тиббиёт мутахассисларига «ҳамширалик иши» билан мустақил шуғулланишга рухсат берилади.
- Кўриқлаш бош бошқармаси ходимларига ҳар ойда уларнинг лавозим маошига 20 фоиз миқдорда ойлик устама белгиланади.



Танлов



Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида «Йилнинг энг фаол ёш кимёгари» танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Йилнинг энг фаол ёш кимёгарлари

Унда «Ўзкимёсанот» АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ва танловнинг куйи босқичларида ғолибликни қўлга киритган, илгор инновацион ғояларга эга ёш кимёгарлар қатнашди. Танловда ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган янги лойиҳалари, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва унум-

дорлигини оширишдаги аҳамияти, ёш мутахассислар инновацион ишланмаларининг келгусида республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини баҳолаш асосий мезонлардан бири бўлди. Танловнинг ғолиб ва иштирокчиларига Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабасига уюшмаси Республика кенгаши ва

«Ўзкимёсанот» АЖ томонидан диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабасига уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Сурхондарё вилояти

Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган «Вахшвор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида айни пайтда 160 нафар ўғил-қиз мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

| Ёз – 2021

«ВАХШВОР»ДА ЧИНИҚАЁТГАН АВЛОД

– Бу йил оромгоҳда 1000 нафар болани дам олдиришни режалаштирганмиз, – дейди оромгоҳ директори Абдувоси Каримов. – Улар сафида кам таъминланган оилалар, интеллектуал салоҳияти баланд, жамоат ишларида фаол, фан олимпиадаларининг ғолиблари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларида ғолиб бўлган ўқувчилар ҳам бор. Бу йил мавсум давомида «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандларини дам олдириш ҳам режалаштирилган. Ҳар бир навбат якунида оромгоҳда дам олган чин етим ва фаол болаларга ўқув қуроллари, китоблар, кийим-бошлар совға қилинади.

Хоналари шинамгина қилиб жиҳозланган масканда Ўзбекистон касабасига уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан бой китоб фондига эга мўъжаз кутубхона ташкил этилган. Фан, шунингдек, расм, мусика, каштачилик, дурдоргил каби ўндан ортиқ тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган. Ёш мусиқа ихлосмандлари, бошловчи хонандалар тез-тез болалар олдида чиқиш қилиб туришади. Спорт-соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилган.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Наманган вилояти

Ҳали-ҳамон чекка қишлоқларда эрта-индин тўйи бўладиган қизлар пардоз-андоз қилиш ёки сочини турмаклатиш учун бир неча чақирим йўл босиб, туман марказларига боришга мажбур. Сабаби у ерларда «Гўзаллик саломи» йўқ, бўлганда ҳам, фақатгина соч турмаклатишнинг уддасидан чиқишади.



Ташаббус самаралари

Гўзал бўлишга ҳамманинг ҳаққи бор

Наманган вилоятининг энг олис қишлоқларига «Гўзаллик саломи» контейнерлари етказилди

Чекка қишлоқларда ҳам барча шароитга эга гўзаллик салонлари ишини йўлга қўйиш ва шу орқали «Аёллар дафтари»даги кўплаб хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касабасига уюшмалари Федерацияси томонидан «Гўзаллик саломи» контейнерлари барча вилоятлар сингари Наманганга ҳам жўнатилади. Тўрақўрғон, Чуст, Чортоқ ҳамда Косонсой туманларининг аҳолиси

зич, олис қишлоқларига ўрнатилган бундай салонларнинг рамзий калитлари «Аёллар дафтари»да ишсизлиги туфайли рўйхатда турган ва пойтахтдаги «Ишга марҳамат» мономарказида бепул ўқиб келган тўрт нафар аёлга топширилди.

Чортоқлик Рухсора Иброҳимова «Гўзаллик саломи»нинг рамзий калитини олган заҳотиёқ ишга киришиб кетди. Ҳозирда у етти нафар маҳалладошига касб сирла-

рини ўргатаётир. Шунингдек, Чуст туманидаги чегара ҳудуд Ғова қишлоғида жойлашган «Тинчлик» маҳалласига етказилган контейнер кўплаб аёлларнинг хушнудлигига сабаб бўлди ва уларнинг барчаси шу ишларнинг бошида турган ташкилотчиларга самимий миннатдорлик билдиришди.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

ЗИЁЛИЛАР «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ»ДА МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШМОҚДА

Халқ таълими вазирилик ҳамда Ўзбекистон касабасига уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг қарорига мувофиқ, бу йил Қашқадарё вилоятида 578 нафар педагогнинг соғломлаштириш режалаштирилган. Январь – июнь ойларига уларнинг 265 нафари сўлим «Қашқадарё соҳили» санаторийсида соғлиғини тиклади.

Яқинда ушбу гўшада бўлиб, у ерда ҳордиқ чиқараётган устозлар билан суҳбатлашдик. – Қарши шаҳридаги 9-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бераман, – дейди Шоҳиста Жабборова. – 20 йиллик меҳнат фаолиятим давомида биринчи марта имтиёзли, бепул йўлланмадан фойдаландим. Эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига раҳмат!

– Шаҳрисабздаги 6-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида 40 йилдан буён она тили ва адабиёт фанидан дарс бераман, – дейди Соҳиба Зиқирова. – Муассасамиз касабасига уюшма кўмитаси менга санаторийга имтиёзли йўлланма ажратилганини айтганда бошим қўққа етди. Бу маскандаги шароит ҳам, хизмат кўрсатиш сифати ҳам аъло даражада экан. Мириқиб ҳордиқ чиқардим, маънавий-маърифий тадбирлардан олам-олам таассурот олдим. – Мен остеохондроз ва чурра каби хасталиклардан азият чекардим, – дейди Деҳқон-обод туманидаги 55-мактаб директори Маҳмуд Қурбанов. – Мазкур сўхатгоҳдаги муолажалар-



нинг нафи теги. Санаторий директори Икром Раҳимовнинг ҳар бир дам олувчига алоҳида эътибор қаратиши, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаши ва ишни юқори савияда ташкил этиши бизни мамнун этди. Касби туманидаги 57-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Панжи Маҳмудовнинг айтишича, у 34 йиллик тажрибага эга. Илгари оёқ оғригидан кўп азият чеकкан. Яқинда самарали меҳнатлари эвазига имтиёзли равишда дам олиш имконини берувчи йўлланмага эга чиққан. Санаторийдаги муолажалар шарофати билан ўзини қийнаб келатган дарддан фориб бўлган.

Шу тумандаги 11-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Нигора Эргашева бултур Онлайн олимпиада-нинг республика босқичида ғолибликни қўлга

Эҳтиром

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Ўқув-семинар

Самарқанд шаҳрида Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабасига уюшмаси Республика кенгаши ва «Enter Engineering Pte. Ltd» компанияси касабасига уюшма кўмитаси ҳамкорлигида ўқув-семинар ўтказилди.

Ҳар томонлама фойдали



Компанияда фаолият юри-таётган меҳнат муҳофазаси вакиллари, касабасига уюшма кўмитаси мутахассислари, цех касабасига уюшма кўмиталари раислари малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда «Касабасига уюшмалари тўғрисида»ги ва «Меҳнатни муҳофазасига қилиш тўғрисида»ги қонунлар мазмун-моҳияти, тизимда меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб бориладиган ишлар, сайланган меҳнат муҳофазаси вакиллари-нинг вазифалари юзасидан батафсил тушуниришлар берилди.

Шунингдек, корхоналарда жамоатчилик вакиллари ишини ташкил этиш, юртимизда атом электр станциясининг қурилиши бўйича олиб борилаётган ишлар, учинчи даражали атом электр станцияларида хавфсизлик тизими тўғрисида муҳим маърузалар тингланди. «Enter Engineering Pte. Ltd» компаниясида меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам эътибордан четда қолмади. Иштирокчилар касабасига уюшма ташкилотларида ишларни режалаштириш, иш юритиш, доимий комиссиялар фаолиятини йўлга қўйиш, иш берувчи томонидан

касабасига уюшмасига тақдим этилган тақдимномани кўриб чиқиш тартиби каби йўналишларга оид билимларини ҳам бойитди.

– Уч кун давом этган ўқув-семинар ҳар томонлама фойдали бўлди, – дейди «Enter Engineering Pte. Ltd» компанияси бошланғич касабасига уюшма кўмитаси раиси Бобур Кенжаев. – Хусусан, қури-лишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, баланд биналарни қури-риш, оловли ишларни олиб бори-ришда хавфсизлик техникасига риоя қилиш, ишга қабул қилинган ходимларни йўриқномадан ўткази-иш ва шу каби бошқа масалалар юзасидан иштирокчиларнинг кў-никмалари оширилди.

Ўқув-семинар доирасида цех касабасига уюшма кўмиталари раис-лари ва меҳнат муҳофазаси ва-станцияларида фаолиятлари учун за-рур бўлган меъерий ҳужжатлар, ўқув материаллари берилди. 18 нафар меҳнат муҳофазаси ваки-лига сертификатлар ва гувоҳно-малар, семинарда фаол қатнаш-ган ходимларга эсдалик совға-лари топширилди.

Тадбир якунида Самарқанд шаҳри буйлаб саёҳат ташкил этилди.

Ўзбекистон касабасига уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Тошкент вилояти

Ички туризм



Ходимлар эътиборда

«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касабасига уюшма кўмитаси ички туризмни ривожлантириш, аъзоларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш мақсадида намунали меҳнат қилиб қилаётган 50 нафар ходим учун азим Бухоро шаҳрига икки кунлик саёҳат ташкил этди.

Саёҳатчилар кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухородаги тарихий обидаларни зиёрат қилишди ва шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, бир олам таассурот билан ортага қай-тишди.

Шунингдек, «Худудгазтаъминот» АЖ ташкилоти куйи тизим корхоналари ходимлари ўрта-сида спортнинг мини-футбол, эр-каклар ва аёллар ўртасида шах-мат-шашка ҳамда стол тенниси турлари бўйича чемпионат ўт-казди. Қизгин бахслар якунига кўра, «Худудгаз Тошкент» газ таъ-миноти касабасига уюшма фаол-

Собиржон МУСАЕВ,
«Худудгаз Тошкент» ГТФ касабасига уюшма кўмитаси бош мутахассиси

Андижон вилояти

Андижон тиббиёт бирлашмаси касабасига уюшма кўмитасига айни пайтда 2 минг 450 нафар ходим аъзо. Уларнинг ҳимояси эса ҳаммиша касабасига уюшмалари диққат марказида.

Фаолият

ЭЪЗОЗ

Хусусан, ҳозирга қадар 23 нафар шифокор ва ўрта тиббиёт ходими касабасига уюшмасидан берилган имтиёзли йўлланма билан санаторийларда соғлиғини тиклаб келди. Яна бир шифокор Абдураҳмон Ҳайдаров Наманган вилоятидаги «Ниҳол» санаторийсида бепул дам олиб қайтди.

Ёзги таътил кунларида ходимларнинг 90 нафар фарзандининг «Боғишамол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олиш йўлга қўйилди. 12 нафар ўрта тиббиёт ходими Хива шаҳрига бепул саёҳат қилди. Умуман олганда, ходимларнинг 23 нафарига 6 ой давомида 223 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, узоқ йиллар тиббиёт соҳасида хизмат қилган фахрийларни доимо йўқлаш аъяна тусига кирган.

Тиббиёт ходимларига бўлган эътибор шу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Таомилга кўра, қувончли кунларда ҳам, синовли дамларда ҳам уларнинг ёнидамиз.

Баҳодиржон

ЭГАМБЕРДИЕВ,
Андижон тумани тиббиёт бирлашмаси касабасига уюшма кўмитаси раиси



Қашқадарё вилояти

Болалар футболли: ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛМАС ЭКАН...

Шу кунларда футбол бўйича Европа чемпионати давом этмоқда. Бир ойдан бери ишқибозлар футболдан гурун қилапти. Афсуски, терма жамоамиз Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида яна қоқилди. Муваффақиятсизликнинг эса сабаблари кўп... Ҳозир у ҳақда эмас, балки футбол пойдевори хусусида суҳбатлашсак... Жумладан, Ўзбекистонда болалар футболлига қандай эътибор қаратилмоқда?

Маълумки, давлатимиз раҳбари футболни ривожлантиришга қаратилган икки муҳим ҳужжат – 2018 йил 16 мартда «Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ҳамда 2019 йил 4 декабрда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолаган эди. Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир вилоятда вилоят футбол академиялари фаолияти йўлга қўйилди. Қашқадарёда «Насаф», «Машъал», «Шўртан» футбол клубларининг академиялари мавжуд бўлиб, Президент қарорига кўра, ташкил этилган вилоят академияси улардан бир поғона юқори бўлиши керак. Хўш, аслида ҳам шундайми? Бизга маълум бўлишича, вилоят

футбол академияси ўз базасига эга эмас. Яъни вилоят футбол маҳорат мактаби Қарши компьютер технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежининг стадиони ҳамда биноларидан ижара асосида фойдаланиб келмоқда. Машғулотлар коллеж стадиони ва Қарши шаҳридаги «Бинокор» ўйингоҳида ўтказилади. Қашқадарё вилояти футбол маҳорати мактаби (вилоят футбол академияси) директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Нурали Султонов билан мавжуд шароитлар ҳақида суҳбатлашдик. – Вилоят футбол маҳорати мактабида, ҳалқ тили билан айтганда, «академия»да бугунги кунда 154 нафар бола таҳсил олмақда, – дейди Нурали ака. – Еттига гуруҳга 22 нафардан бола қабул қилинган. Бироқ бизда ўқиш истагини билдирганлар кўп. Шу боис, ҳар бир гуруҳ учун камида 150-160 нафардан бола имтиҳон топиради. Имтиҳонларнинг шаффоф ва ҳолис ўтиши учун жараёнларни Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциациясининг вилоятдаги бошқармалари мутахассислари кузатиб боришади. Ота-оналар эса видеокузатув камералари орқали барчасини кўриб туришади. Мактабимиз коллеж биноси, унинг стадиони ва ётоқхоналаридан ижара асосида фойдаланиб келяпти. Бундан ташқари, фаолият кўрсатмаётган касб-ҳунар коллежи биносининг ярми Қарши муҳандислик институтига берилган. Собиқ коллеж биносини вилоят маҳорат мактаби балансига ўтказиш ҳақида вилоят

ҳоқимлиги Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритган. Айни пайтда мазкур масаланинг ижобий ечимини кутяпмиз. Қашқадарё – футболни ривожлантириш, моҳир «чарм тўп» усталари тайёрлаш бўйича ўз ўрни, ўз мактабига, ўзининг фидойи ва тажри-



Долзарб мавзу

бали мураббийларига эга ҳудуд. Буни биргина «Насаф» мисолида кўриш мумкин. Бизда ҳам машғулотлар асосан «Насаф» тактикаси, унинг ўйин фалсафаси бўйича олиб борилади. Мен Андижон, Наманган вилоятидаги футбол академияларида яратилган шароитларга ҳавас қиламан. Ҳатто Андижондаги футбол маҳорати мактаби Осие футбол конфедерациясининг икки юлдузли академиясига айланган. Агар коллеж биноси баланси мизга ўтказилса, бизда ҳам шароит яхшиланармиди?..

Мана, футбол академиясидаги ҳақиқий аҳвол. Кўзга кўринмас, ўта долзарб муаммо ўз ечимини кутмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари мутасаддиларга футболга эътибор ва талабни қўйиб, Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси (ФИФА) рейтингда кучли 50 таликка кириш вазифасини юклаган. Ҳозирда эса терма жамоамиз ФИФАнинг миллий жамоалар рейтингда 80-поғонадан ҳам пастда. Демак, қоғозда эмас, амалда ҳали кўп ишлар қилиниши керак... Бунинг учун, биринчи навбатда, болалар футболлидаги ҳолатдан мутасаддилар хабардор бўлиши керак. Ҳолбуки...

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Кун мавзуси

ПОХОЛ

ТОПИШ МАҲОЛ... (МИ)

Табиат инжиқликлари қатор соҳаларни чинакамга синондан ўтказмоқда. Деҳқончилик ўз йўлига, бу йил ҳатто чорвадорларга ҳам осон бўлмапти. Сурувларнинг қақраб қолган ўтлоқда «тиш қайраб» юрганига анча бўлди.

– Осмонга қараб яшайдиган нурданмиш, – дейди қўшрабоблик Камолитдин Саидов. – Кўкдам инжиқлигининг таъсири бутун йилга татийди. Айниқса, бу йил қорамоллар, қўй-қўзиларга очарчилик келди. Жониворлар териси устухонига ёпишиб кетган, бир аҳволга тушди. «Қўлдан берганга қўш тўймас», дейишади. Ўтган ҳафта зичланган беданинг боғи 30 минг сўмга чиқди. Бир боғ бугдой похолининг баҳоси 18 минг сўм атрофида. Емнинг олдида боғришга юрагинг беизиллайди. Кунжарнинг бир килоси салкам беш минг сўм. Авжи ўрим-йўғимда аҳвол шундай бўлса, кейинчалик нима бўларкан, дея бошимиз қотган. 2-3 та молга кўз тикиб ўтирдан одамлар қийналяпти. Бозорда ориқ молнинг нархи тушиб кетди.

Чорвадорлар билан бир бош қорамолга кетадиган сарф-харажати ҳисоблаб кўрдик. Кунига бир тойдан похол берилганда, хонаси ҳамон ҳувиллаб турган чорвадорнинг бугунги вазият-бот мол бозорига она-бола сизир ана шунча сўмга сотилапти. Боз устига, қуруқ похол билан чорвадан маҳсулот умид қилиш... Самарқанд вилоятининг сувли бугдой экиладиган барча туманларда бир той сомоннинг ўртача нархи 14-15 минг сўмга баҳоланяпти экан. Аҳоли жон бошига биттадан қорамол тўғри келадиган вилоятда ем-хашак тақчиллиги ҳозирдан соҳилмоқда. Бозорларда ем-хашак со-

диган автокарвонларда талашиб-тортишиб авжида. Арзонроқ похол сотиб олиш ташвиши барчани ўйга толдираётгани бор гап. Бошқа ҳудудлардаги аҳвол билан ҳам қизиқиб кўрдик. Тошкент вилоятининг Бекобод туманида яшовчи Бахтиёр Алимов билан боғландик.

– Ўтган йили бир боғ сомон похолини 2 минг сўмдан хариш қилганим, – дейди у. – Бугдой похолининг баҳоси 18 минг сўмга кўтарилиб кетди. Аммо ҳали похол ололганимча йўқ. Бир боғ сомон похони ҳажмига қараб 8-10 минг сўмдан сотилапти. Аммо уни топиш осон эмас. Бугдойи ўрилган майдон улгуржи сотиб олиниб, хашаги прессланиб, бошқа ҳудудларга қиммат нарҳда сотиш учун олиб кетилаётганимиш.

Чорвадорнинг озуқа ғарами кўтарилса, кўнгли ҳам, ишлари ҳам юксалади. Хонадонда битта-иккита мол ушлаётганларда ҳам одат шундай. Аммо сомон хонаси ҳамон ҳувиллаб турган чорвадорнинг бугунги вазият-бот мол бозорига она-бола сизир ана шунча сўмга сотилапти. Боз устига, қуруқ похол билан чорвадан маҳсулот умид қилиш... Самарқанд вилоятининг сувли бугдой экиладиган барча туманларда бир той сомоннинг ўртача нархи 14-15 минг сўмга баҳоланяпти экан. Аҳоли жон бошига биттадан қорамол тўғри келадиган вилоятда ем-хашак тақчиллиги ҳозирдан соҳилмоқда. Бозорларда ем-хашак со-

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

Ичкиликбозлик илллати илашса...

Сархуш одам ҳовлига кириб, катталарни излай бошлади. Ҳеч ким бўй кўрсатмади, сўрида ўйнаб ўтирган ўғлигина қуралай кўзларини дадасига тикиб турарди. Хонтахта устига бир шиша ароқни қўйиб, ўғлини «Иномжон, бери кел», деб қақирди. Бола ҳадиксизгаранча дадасининг ёнига келиб ўтирди. Дадаси бир пиёла ароқни ичди-ю, газакни оғзига солиб, афтини буриштирди. Иккинчи пиёла олаётганида ўғлидан:

– Болам, катта бўлсанг ким бўлмоқчисан, – деб сўради.

– Катта бўлсам, сизга ўхшаган одам бўламан, – деди у.

Боланинг бийрон тилларидан чиққан бу сўзлар сархушни севинтирди, албатта.

– Ҳа, ота ўғил, ота ўғил, ҳа бизга ўхшаб кейин нима ишлар қилмоқчисиз?

Бола тийрак, ҳавасманд кўзларини сузиб, «Катта одам бўлсам, сизга ўхшаб ҳар куни кўп-кўп ароқ ичаман. Кейин маст бўлиб, хотинимни ураман, сизни эса ҳовлида қувиб юраман!.. Сиз бобомни ҳовлида қувасиз-ку-а?!...».

Пиёладаги ароқ қултуми гўё суяк каби томоққа қа...



тида эрининг касалликларга тез-тез чалинаётганидан шикоят қилди. Хўш, алкоғолизмнинг сабаб ва омиллари нималар билан боғлиқ? Умуман, бунинг давоси борми? Мана шу каби саволларимизга шифокор-нарқолог Абдували Раббимов билан бўлган мулоқотимиз давомида жавоб изладик.

– Виртунг деган машҳур олим сурункали алкоғолизмни вабодан кейинги даҳшатли касаллик деб атаган. Иш тажрибамизда баъзан шундай ҳолатлар бўладики, ичкиликка муккасидан кетган баъзи одамлар: «Доктор, мени боғлаб бўлсаям бу дардимни даволанг», дейишади. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг хатти-ҳаракатларини изоҳлаб, «ўзим билмаган ҳолда ичкилик сотиладиган жойга, дўконга чиқиб кетяпман», деган гапни айтишади.

– Сурункали алкоғолизм таъсирида организмда энг кўп азият чекадиган орган, бу – жигар дейилади тиббиётда. Айтинг-чи, ичкиликбозлик туйғайли организмда яна қандай салбий ўзгаришлар бўлиши мумкин?

– Сурункали ичкиликбозлик, энг биринчи навбатда, организмнинг қурашувчанлигини, турли инфекция касалликларга бўлган иммунитетини сустайтиради. Масалан, ичкилик таъсирида соғлигини йўқотаётган организмнинг сил хасталигига йўлиқиш эҳтимоли юқори. Яқинда олимлар ўтказган тадқиқотлар ичкиликка муккасидан кетганларнинг жигари ичмайдиганларникига нисбатан бир неча баробар оғир эканлигини кўрсатган. Цирроз билан хасталанган ҳар 100 нафар беморнинг 13-15 нафарини фақат алкоғоликлар ташкил этиши тиббиётчилар томонидан аниқланган. 158 нафар сурункали ичкиликни бошдан кечираётган кишининг 58-60 фоизи эндокринологик жиҳатдан носоғлом деб топилган. Алкоғолизмнинг 3-босқичида соматик ўзгаришлар тузалмайдиган даражага етади ва алкоғоль истеъмоли тўхтатилганда ҳам сақланиб қолавереди. Улар оғир даражадаги кардиопатия, гепатит, жигар циррози, панкреатит, атрофик гастрит билан ифодаланади.

– Алкоғолизмнинг ирсият ва иқлим, ёш



ва жинс билан боғлиқ томонлари қай даражада ўрғанилган?

– Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ҳар 10 нафар ичувчи эркекка 1 нафар ичувчи аёл тўғри келарди. Ўша пайтда Англияда бу кўрсаткичлар тенга-тенг эди. Ҳозирги кунга келиб эса кўпгаб фарб мамлакатларида ҳар 10 нафар ичувчи эркекка 7-8 нафар аёл тўғри келмоқда. 15000 нафар сурункали ичкиликбозликка йўлиққан киши ўртасида ўтказилган тадқиқотларга кўра, улардаги бу муаммонинг наслий томонлари жуда кам фоизни ташкил этиши маълум бўлган. Ҳар қандай соғлом одам ҳам «Мен пияниста эмасман, кам-кам ичяпман-ку», деган фикр билан ҳар куни ичкилик ичиб, сурункали алкоғолизмга йўлиқиб қолиши мумкин. Алкоғолизмнинг психоген ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ томонлари жуда кўп. Алкоғолизмнинг иқлим шароитлари билан боғлиқ томонларига тўхталадиган бўлсак, сурункали ичкиликбозлик шимоллий минтақаларда нисбатан кўпроқ кузатилади.

– Агар аёл сурункали ичкиликбозликдан азият чекаётган бўлса-чи?

– Мен бу саволингизга шундай жавоб бермоқчиман: икки оёғи ва кўллари йўқ бўлган бо-

ларларни тасаввур қилин. Бундай ногирон, имконияти чекланган болаларнинг оналарини суриштирсангиз, кўпинча, улар муттасил равишда спиртли ичимлик ичиб келган бўлиб чиқади. Аёллар ичкиликбозлиги энг катта ва даҳшатли хатоликдир.

Спиртли ичимлик таъсирида туғилган ҳамма болалар ҳам ногирон, хаста туғилмаслиги мумкин. Лекин бу салбий иллат боланинг умри давомида қачондир ўзини намоен қилади, албатта.

– Сўнги саволим: сурункали ичкиликбозликни даволаса бўладими? Қандай қилиб бунга бартараф этиш мумкин?

– Алкоғоликларни дори-дармонлар билан даволаш жараёнида уларга руҳан далда бериш жуда ҳам муҳим. Беморни мунтазам меҳнат билан банд қилиш унинг даволаниши йўлидаги энг мақбул даволардан бири саналади. Даволаниш давомида беморнинг иродаси ва бемор қариндошларининг далдаси уйғун бўлса, албатта, ўз самарасини беради.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Дилафрўз ЭГАМБЕРДИЕВА, журналист

Хотира уйғонса – гўзал!

МИТТИ «ОЛОВҚУШ» ҚЎШИҒИ ёхуд Уллибидан Коммунага айланган қиз жасорати



Ривоятларга кўра, қақнус – ўт ичида туғилиб ўсган парранда. Хоразмликлар уни оловқуш дейишади. Мен элимизнинг ардоқли санъаткори Коммуна Исмоиловани ана шу афсонавий қушга ўхшатаман. Чунки унинг истеъдоди ҳамда илк ижодий фаолияти оловли ва алғов-далғовли даврларда сайқал топган.

1942 йили халқ артисти Гавҳар Раҳимова республика раҳбарияти таклифи биноан, фронтдаги жангчиларга хизмат кўрсатадиган хотин-қизлар ҳарбий ансамблини тугади. Таркиби 16 нафар аёлдан иборат ушбу жамоа аҳли жангчиларга бориб, концертлар бера бошлади. 1943 йил февралда унинг сафига хоразмлик 15 ёшли Коммуна Исмоилова ҳам қўшилди.

Ёш Коммуна урушнинг кўрқинчли даҳшатларини бошидан кечира бошлайди. Унинг кўз ўнгиде 500-600 нафар аскар жангга кириб кетар, орадан уч-тўрт соат ўтгач, атғи 60-70 нафари майиб-мажруҳ ҳолда қайтиб келарди. Оғир йўқотишлардан санъаткор ўзбек аёллари ҳам қаттиқ изтироб чекишарди. Лекин нима бўлишдан қатъи назар, ўз бурчларини сидқидилдан адо этиб, жангчилар ва қўмондонлар олқишига сазовор бўлишарди.

Кўшиқчи аёллар гуруҳи 1945 йил 23 февралда биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов қўмондонлик қилаётган дивизияда бўлади. Бошига ўзбек қорақўлчилари совға қилган сур телпак, этнига калта камзул кийган генерал юртдошларимизни қаттиқ соғинган экан. Шу боис, уларни қувонч-ла қарши олаётди, дилида борини яшириб ўтирмайди. «Бугун паловхонтўрани мусулмончасига ошамлаб ер эканмиз-да», деб хазиллашади. Ош ейлаётган пайтда эса «Уруш тугаб, Тошкентга қайтсам, катта тўй қиламан. Сизлар уйим тўрида ўтирасизлар», дейди. Тамаддидан сўнг Коммунадан Муқимий ғазалига басталанган «Маҳвашим» ашуласини айтиб беришини сўрайди. «Генерал ерга тўшалган сомон устида ёнбошлаганча, «Маҳвашим»ни сел бўлиб

тинлар, ашула тугагани ҳамона кўзларини охишта очиб, «Сингим, шу қўшиқни яна айт, илтимос!», дер эди. Ушанда мен бу ашулани кетма-кет беш марта куйлаганман», дея эслаганди кейинчалик Коммуна ая.

Дафта иштирокчилари маршал Жукров қўмондонлиги остидаги мудофаа фронтда концерт бераётиб, муҳим воқеанинг шохиди бўлиши. Қўқисдан фашист самолётлари уларнинг устига кузгундай бостириб кела бошлади. Бир маҳал кўшиқ куйлаётган Коммуна ҳам бошқалар қатори окоп ичига шўнғиб, бошини чангаллаганча юзубан ётиб олди. Бир маҳал устига қандайдир оғир нарса келиб тушди. У қўрққанидан додлаб юборди. Бироқ ҳеч нарса портламади. Узига келиб, бундоқ қараса, боғи нарса катта қоп экан. Аскарлар уни дарҳол Коммунанинг устидан олишди. Кейин эҳтиёткорлик билан очиб, не кўз билан кўришсинки, қопга чиройли қизнинг мурдаси, беш-олтита тирик кучук ва мушқча, бир-талай варақалар солинган экан. Қиз шўрликнинг аъзойи бадани моматалоқ бўлиб кетган, ҳайвонларга балоам урмаганди. Варақаларга эса «Хонимлар, аскарларингизни таслим бўлишга кўндингиз. Йўқса, бошингизга мана шу яхудий қизнинг кўни тушади», деган жумлалар битилганди.

Коммуна аёвсиз қийноқларга солинган қизнинг жасадини кўриб, руҳан талвасага тушди. Варақаларни жаҳл аралаш ёғимлаб, четга улоқтирар экан, ичида нимадир тугён урди. Сўнгра беихтиёр «Олга бос, олга бос, доим олга бос», деган сатр билан бошланувчи ашулани айта бошлади. Зум ўтмай бошқа аёллар ҳам унга жўр бўлишди. Бу қўшиқ аскарларни душманга қарши хужумга илҳомлантириб юборди.

Март ойи охирида ўзбекистонлик санъаткор аёллар 2-Белорусия фронтга қайтишди. Бу пайтда собиқ Иттифоқ ичкарасида уруш деярли тугаб, жанглар душман босиб олган Европа мамлакатларида бўлаётган, Ғалабадан дарак берувчи муҳдалар тобора қўлайиб бораётган эди. Аммо ансамбль аъзолари манзилга етиб келишганда, уларни Собир Раҳимовнинг аъдъотанти Леонид Юсупов хомуш қаршилади (бу йигит таниқли давлат ва сиёсат арбоби Усмон Юсуповнинг ўғли бўлиб, асл исми Асқар эди). У Гавҳар Раҳимовнинг қўлига генералнинг илма-тешик бўлиб кетган ва қонга беланган кителини тутқазаркан, «Оғамиздан айрилиб қолдик», деб хўнграб юборди.

Штаб ичкарасида Собир Раҳимовнинг боши мажақланган жасади ётқизиб қўйилган экан. Ўзбек қизлари унинг тепасига бориб оху нола чека бошлашди. Коммуна ҳам «Оғажон, кўзингизни очинг. Ахир Тошкентда тўй қилмоқчи эдингиз-ку», дея ўқиб-ўқиб йиғлади...

Кўриб турганингиздек, Коммуна Исмоилова санъат оламига ўта оғир дамларда кириб келган. Урушдан кейин Хоразм муסיқали драма театрида, Ўзбек ашула ва рақс ансамблида, Ўзбек давлат эстрадасида, Ўзбек давлат филармониясида, Ўзбекистон телевидение ва радиосининг ўзбек халқ чолғулари оркестри ҳамда мақом ансамблида яқнахон хонандлик қилди. Шунинг-

дек, Тошкент давлат санъат институтида, Тошкент санъат коллежида, Глизер номидаги Республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейида ишлади. Санъатдаги сабоқларни буюк санъаткорлар Комилжон Отаниёзов, Юнус Ражабий, Фахриддин Содиқов, Гавҳар Раҳимовалардан олди. Сўнгра уларнинг изидан бориб, ўзи ҳам Азим Муллахонов, Дилором Қаюмова, Зулайхо Бойхонова, Мавлуда Асалхўжаева, Шарофат Тожибоева, Муножот Тешабоева каби кўплаб шоғирлар етиштирди. Соҳадаги фидокорона хизматлари эвазига «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони ва «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланди. Эл-юртга миллий мақомлар, мумтоз ашулалар ва замонавий қўшиқлар ижро-чиси сифатида танилди.

Шу ўринда «Бу машур санъаткорга нима сабабдан Коммуна исми қўйилган?», деган савол туғилиши мумкин. Бу ҳақда у менга куйдиғиларни сўзлаб берган эди:

– Асл исми Уллибидан бўлган. Ҳозир ҳам барча қариндошларим мени шу исм билан қақришади. Унинг «Коммуна»га айланишининг эса машур тарихи бор. Отам Курбонбой Исмоилов «Инқилоб куёши» (ҳозирги «Хоразм ҳақиқати») газетасида масъул котиб бўлиб ишлаётганда бошига қора булутлар соя сола бошлабди. Ҳамкасбларидан бири НКВДга «Қ.Исмоилов руҳоний, мутаассиб одам, совет жамиятига ёт унсур. Шу сабабли уни жазолашнингизни сўрайман», деб чақув хати ёзиб берибди.

Тўғри, отам художўй, намозхон, лекин илғор фикрли, янгилликни қўллаб-қувватловчи инсон бўлган. Изига тушишганини пайқаган кўни уйга келиб, «Агар биров Уллибидининг исмини сўраса, Коммуна денглар ва бундан кейин уни шу исм билан қақришман», деб туриб олади. Терговчи эрталаб ёрдამчисига бизнинг уйга бориб, менинг исмиمنى билиб келишни топширади. Орадан икки соатлар ўтгач, ёрдამчи қайтиб келиб, «Бу одамнинг гапи рост экан», дейди. Уша кўни етти ёт бегона кишилар қўшнилари билан сўраб-суриштиришганда, улар ҳам отам ўргатиб қўйганидек, «Бу қизалоқнинг исми Коммуна экан», деб жавоб беришарди. Муддасига эришолмаган терговчи отамни қўйиб юборибди. У уйга келгач, мени ҳалинчақдан олибди-да, «Отасини балолардан асраб қолган, ширин қизим!», дея ўпиб-эркалаб, роса йиғлабди...

Раҳматли Коммуна Исмоилованинг бу сўзлари ҳар биримизни ўтган асрнинг 30-40 йилларида авж олган қатагонлар даҳшатларини теран ҳис этишга, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизга шукрона келтириб яшашга ундайди.

Эрпўлат БАХТ



Сирдарё вилояти

Мусобақа

Кўтаринки кайфият билан...

Ўзбекистон касаб а уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши соҳа ходимлари ўртасида спортнинг бир қанча турлари бўйича мусобақа ташкил этди.

– Аъзо ташкилотлар ўрта-тез-тез спартакиадалар ўтказамиз, – дейди Ўзбекистон касаб а уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши «Ташкилий ишлар» бўлими мутахассиси Эркин Аҳмедов. – Бугунги тадбирда бутун жамоа қатнашди.

Чарқоқларимиз ёзилиб, кайфиятимиз янада кўтаринкилик касб этди.

Умид АЗАМАТОВ, Ўзбекистон касаб а уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши бошланғич касаб а уюшма кўмитаси раиси



Фарғона вилояти

Кўрик-танлов

Муносиблар сараланди

Таълим ва фан ходимлари касаб а уюшмаси Данғара тумани кенгаши тизимидаги бошланғич касаб а уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Бошланғич ташкилотлар ишини юқори даражага кўтариш ва ижобий тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов фаолиятни янада жонлантириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга хизмат қилиб келмоқда. Баҳолаш мезонларига кўра, аъзолари сони 100 на-

фаргача бўлган ташкилотлар ўртасида 13-мактаб, аъзолари сони 100 нафардан зиёд бўлган ташкилотлар ўртасида 28-мактаб ғолиб деб топилди. Улар энди танловнинг вилоят босқичида қатнашади.

Мирзажон ҚУРБОНОВ, Таълим ва фан ходимлари касаб а уюшмаси Данғара тумани кенгаши раиси



Қашқадарё вилояти



Илғорлар вилоят босқичида

Ғузур туманидаги 34-мактабда бошланғич касаб а уюшма ташкилотлари ўртасида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида 95 та бошланғич касаб а уюшма ташкилоти қатнашди.

100 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим фаолият кўрсатаётган таълим муассасаси бошланғич касаб а уюшма ташкилотлари ўртасида 1-ўрин 34-мактабга, аъзолари сони 100 нафаргача бўлган ташкилотлар ўртасида

эса ғолиблик 77-давлат ихтисослаштирилган интернат мактабига насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилди.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»



Олий таълим

Элчилар таълимдаги ислохотларга елкадош

Ташқи ишлар вазирлигида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда илк бор мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан видеоконференция шаклида мулоқот ташкил этилди.

Тадбирда олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Фарҳод Арзиев, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчилари ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги вакиллари қатнашди.

Сухбат чоғида Ўзбекистонда сўнгги йилларда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, эришилган нәтижалар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилишнинг самарали ечимлари, истиқболдаги вазифалар ҳақида сўз борди. Учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан хорижий тилларни ўрганишни оммалашти-

риш бўйича имзоланган қарор ва яқин кунларда олий таълим тизимидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган вазифалар юзасидан бир қанча масалалар муҳокама қилинди. Мулоқот давомида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари билан олий ва профессионал

таълим соҳасидаги сазй-ҳаракатларини фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди. Олий таълим муассасалари талабаларининг хорижий тилларни чуқур ўрганиши учун имкониётлар яратиш мақсадида хорижий давлатлардан етакчи профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш масалалари бўйича таклифлар билдирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ахборот хизмати

«O'ZBEKENERGOTA'MIR» АЖ корхонаси

Эълон

Қибрай тумани Тош ГРЭС кўчаси 62-уйда жойлашган ишлаб чиқариш базасининг II ва III навбатдаги бинолари фасад қисмини таъмирлаш учун мутахассисларни таклиф этади.



Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани 19-мавзе, 43-уй.
Тел.: (71) 236-61-43, (71) 236-61-50, (97) 443-00-75.

E-mail: uezbeckenergotamir@yandex.ru uezbeckenergotamir@mail.ru

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхrir хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ

Баш муҳаррирининг биринчи ўринбосари: Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тахлилий, таққидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-28 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси назардан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдураҳмонов

Мусаҳҳилар: А. Абулфайзов, Д. Худойберганава

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 01:50 Топширилди – 02:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буёртма Ғ – 706. 27716 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6 Баҳоиси келишилган нарҳда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқеди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaqir» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят хисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Тошкент кимё-технология институти академик лицейи касаб а уюшма кўмитаси мазкур муассаса тўғарак раҳбари Зайниддин Уринбоева укаси Нуриддин УРИНБОЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.